


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Presently, the seven manuscript copies of this work are stored in the collection of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The source describes a unique method of interpreting the Quranic verses in accordance with the Maturidi school of thought and Hanafi madhab. The author makes references to most authoritative sources in his book. One of the reasons that prompted Umar Nasafi to write a commentary was the need for a book that would convey the essence of both legal and doctrinal issues at that period.

The scholar paid a great attention to regulating societal problems and solving peoples' problems by referring to most reliable sources, which increase the value of the work making it one of the most authoritative sources on Hanafi madhab.

Keywords: *Abu Hafs Umar Nasafi, tafsir, at-Taysir fi-t-Tafsir, faith, hadith, method, style.*

.

С. Улашова

Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир

XII аср охири – XIII аср бошларига келиб Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231) ҳудуди анча кенгайди. Бу ўз навбатида, туркий, сўғдий, арабий ва бошқа халқлар истиқомат қиладиган ягона давлатни вужудга келтирди. Давлат сарҳадларининг кенгайиши, аҳоли сонининг ошиб боришига, ҳамда минтақа халқларининг ўзаро иқтисодий, ижтимоий, маданий ва этник жиҳатдан яқинлашишига сабаб бўлди.

Араб[1] ва форс манбаларида Мовароуннаҳр ва унинг халқи хусусида этник қайдлар мавжуд. Манбаларга кўра, ўзбек халқининг асосий негизини

[1] Араб тилидаги Ибн ал-Асирнинг (1160–1233) "Ал-комил фи-т-тарих" ("Мукаммал тарих"), Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг (ваф. 1249–1250) "Сийрат ас-султон Жалолиддин Менкбурни" ("Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти") ва форсий тилли Фахриддин Муборакшоҳнинг (XII аср иккинчи ярми – XIII аср бошлари) "Тарихи Муборакшоҳ" ("Муборакшоҳлар тарихи"), Саъдиддин Муҳаммад Авфийнинг (1172/1177–1242) "Жавоме ал-ҳикоят" ("Ҳикоялар мажмуаси"), Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг (1225–1283) "Тарихи жаҳонкушой" ("Жаҳонгир фотиҳи (Чингизхон) тарихи"), Абдуллоҳ ибн Фазлуллоҳ аш-Шерозийнинг (XIII аср иккинчи ярми – XIV аср бошлари) "Тажзият ал-амсар ва тазжият ал-аъсар ("Вилоятларннг бўлиниши ва асрларнинг ўтиши" – "Тарихи Вассоф" номи билан машҳур), Минҳожиддин Жузжонийнинг (1193–1260)

Мовароуннаҳр, Хоразм ва Тошкент воҳасида, ҳамда унга туташ ҳудудларда қадимдан яшаб келаётган ўтроқ туркийзабон ва форсийзабон аҳоли ташкил қилган [53: 82]. Шунингдек, мазкур ҳудудга доимо кўчманчи халқлар келиб ўрнашган. Аммо улар маҳаллий аҳолига қараганда кам сонли бўлиб, тезда ўтроқлашган.

XIII асрда Мовароуннаҳрда истиқомат қилувчи аҳолининг аксариятини туркийзабон халқлар ташкил этган. Уларнинг бир қисми қадим замонлардан буён ўтроқ ҳаёт тарзида яшаб келаётган бўлса, иккинчи қисми VIII–XII асрлар мобайнида кўчиб келган, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик билан шуғулланган [4: 408–425].

Минтақадаги *тожик* ва туркий халқларнинг аксарияти икки тилда баробар сўзлашганлар. *Туркий* ва *суғд-тожик* этносларининг ҳар икки тилда сўзлашиши уларнинг асрлар давомида бир ҳудудда яшаб, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни узлуксиз давом эттириши натижаси эди. XIII–XIV асрларда Мовароуннаҳр ва унга қўшни ўлкаларга мўғуллар билан бирга кўп сонли туркий этносларнинг кириб келиши минтақада туркийзабон этнослар сонини янада оширди.

Мўғуллар босқинидан кейин Мовароуннаҳрда форсийлашиш анча сусайди. Бунга яна бир сабаб – мўғуллар томонидан Мовароуннаҳрдаги *тожик*ларнинг аксариятини Шарқий Туркистон ва шимолий Хитойга кўчирилиши эди [53: 82]. Натижада, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг йирик вилоятлари ва марказий шаҳарларидаги (Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Марв, Нисо, Обивард, Сарахс, Ҳирот ва бошқ.) *форсий*забон аҳоли сезиларли даражада камайди.

XIII асрда Мовароуннаҳрда *туркий* ва *тожик* халқлари билан тинч-тотув яшаб келаётган халқлардан бири *араб*лар эди. Маълумки, *араб*лар VII аср иккинчи ярми – VIII асрда минтақамизга бир қанча босқинчилик юришларини уюштиради. Унда *араб*ларнинг ўнлаб уруғ-қабилалари иштирок этган [17: 383–439] ва уларнинг аксарияти ўтган минг йилдан ортиқ вақт мобайнида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда қолиб, маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён яшаб келмоқда. *Араб*лар маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшаган манзилларда қабила номи, этник мансублик борасидаги тушунчалар сақлаб қолинган, аммо она тили унут бўлиб, истеъмолдан чиқиб кетган [26: 53]. Улар сон жиҳатидан унча кўп бўлмаса ҳам этнонимини ҳозиргача сақлаб келмоқда. XIII асрда улар

“Табақоти Носирий” (“Носир туркумлари”), Рашидиддин Фазлуллоҳ ал-Ҳамадонийнинг (1247–1318) “Жоме ат-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”), Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг (1281–1350) “Тарихи гузида” (“Сайланган тарих”) ва бошқ.

ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, чорвачилик билан бирга деҳқончилик билан ҳам шуғулланган.

XIII асрда Мовароуннаҳрда маҳаллий ўтроқ туркийзабон аҳоли, *тожик* ва *араб* этносларидан ташқари *қарлуқ, яғмо, чиғил, халаж, қипчоқ, қорахитой* каби ўнлаб йирик кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ҳам истиқомат қилган [50]. Улар ўзбек халқи этногенезида муҳим ўрин тутиб, ўзбек элатининг шаклланишида фаол иштирок этганлар.

Бу даврда Мовароуннаҳрдаги йирик этнослардан бири *қарлуқ*лар бўлиб, улар Қорахонийларнинг Ўзгандаги меросини ва Самарқандни бошқарган. Ўзган давлат сифатида XIII аср 60–70-йилларигача сақланиб қолди. XIII аср ўрталарида улуғ қоон Мункехон (1208/11–1259; ҳукмронлик йиллари 1251–1259) Ўзган давлати ва Фарғонани Арслонхон *қарлуқ*нинг ўғлига (мўғулларга хизмати эвазига) инъом қилди [6: 548; 39: 41]. Хитой солномаларида *"гэлолу", "гелу", "хе-лу"* деб номланган *қарлуқ*ларнинг Ила дарёси шимолида яшовчи қисми учта катта уруғдан иборат эди (*меуло, чижиси* ва *ташили*) [8: 347]. Манбаларда *қарлуқ*лар этногенезига доир кўплаб маълумотлар келтирилган. Хусусан, "Ҳудуд ул-олам"да ("Мамлакатларнинг чегаралари") "дунё 51 мамлакатдан иборат. Шулардан бири *халлух* (*қарлуқ*)лардир[1]. *Қарлуқ* ҳукмдорлари жабғу ва ябғу номини олган. Муҳариб халқ бўлиб, яғмочидир", дейилади [45: 97–98]. Ўрта аср тарихчиси Абулҳасан Али ибн ал-Масъудий (ваф. 956): "*Турк*лар орасида энг гўзали ва бўйдори *қарлуқ*лардир. Улар Фарғона, Шош ва қўшни ҳудудларда яшаган", дейди [50: 289]. Ўз пайтида Маҳмуд Қошғарий (XI аср) *қарлуқ*ларни *туркман*лар билан алоқадорлигини ёзса, турк олими З.В. Тўғон (1890–1970) уларни *эфталит*ларга *(абдал/хефтал)* олиб бориб тақайди [53: 413, 42]. Абулаббос ал-Марвазийга (XII аср иккинчи ярми – XIII аср бошлари), кўра *қарлуқ*лар 9 гуруҳга бўлинган: учтаси *чиғил*, учтаси *аскали*, бири *булак*, яна бири *гугержин*, охиргиси *тухси*[2] [50: 19]. Олимнинг ёзишича, уларнинг қишлоғи ва уйи бўлмай, ўрмонда яшаган. Фазлуллоҳ Рашидиддин эса *қарлуқ*лар хусусида сўз юритиб, уларни Чингизхон (1155/1162–1227; ҳукмронлик йиллари 1155–1227) давридаги йирик *турк* қабиласи сифатида эътироф этган [27: 249–351].

[1] Ибн Хурдодбеҳ (820–885/912) бутун турк шаҳарларининг 16 та бўлганини айтади. Фақат бу шаҳарларнинг номларини келтирмайди. Шунингдек, 51 мамлакатнинг ичида *турк печенеглари, қипчоқ, чиғил, тухси, яғмо, тўқузғуз* ва бошқа этносларни ҳам тилга олган [50: 22, 101; 45: 83].

[2] Авфий ҳам уларни 9 гуруҳга бўлинганини таъкидлайди, аммо Марвазийдан фарқли жиҳатлари мавжуд: учтаси *чиғил*лар, учтаси *хаскали*лар, бири *бевавий*, бири *кавакиний*, бири *кимак*лардир [42: 489*а*; 50: 93].

XIII аср тарихчиси Саъдиддин Муҳаммад Авфий *қарлуқ*ларнинг уруғ-қабила тузилишини қуйидагича тавсифлаган: бир қанча уруғ бир бўғинни (аймоқни), бир нечта бўғин қабилани ташкил этган. Уруғ бошлиқлари – бек, уруғ бирликларининг (бўғин, аймоқ) бошлиқлари – элтибор, қабила бошлиғи – ёбғу (ябғу), унинг ёрдамчиси – кударкан унвонига эга бўлган [40: 927].

XIII асрда *қарлуқ*ларнинг бир гуруҳи Мовароуннаҳрнинг Шош, Фарғона, Исфижоб каби ҳудудларида яшаган. Бу пайтда уларнинг яна бир гуруҳи Мўғулистонда, бошқа бир гуруҳи Губи (Гоби) саҳроси атрофида жойлашган. Шунингдек, XIII асрда унча катта бўлмаган *қарлуқ* номи билан аталган давлатлар Афғонистон [53: 151] ва Шимолий Ҳиндистонда ҳам бор эди [39: 140–144].

Рашидиддиннинг ёзишича, Марказий Осиёдаги *қарлуқ*ларнинг бир қисми мўғуллар қўшинида империяга хизмат қилган. Жумладан, *қарлуқ*лардан ва бошқа туркий қабилалардан иборат Маликшоҳ бошлиқ ўн минг кишилик ҳарбий қисм Хуросондаги жангларда иштирок этган [29: 79–80]. *Қарлуқ*ларнинг вакиллари мўғул империясида (1206–1368) турли лавозимларни эгаллаган [29: 163]. Хусусан, *қарлуқ*лардан бўлган Донишманд ва Ҳасан Чингизхоннинг қадрли дўстларидан эди [53: 263].

*Қарлуқ*ларнинг авлодлари кейинги даврларда ҳам минтақамиз ҳудудида яшаб келгани Темурийлар (1370–1500) даври манбаларида ҳам келтирилган [20: 143–144, 146, 153–154; 14: 166].

Марказий Осиё, хусусан, Мовароуннаҳрда *қарлуқ*лар билан ёнма-ён яшаб келган этнослардан бири – *яғмо*лар эди [1]. Манбаларда *яғмо*лар тўғрисидаги маълумотлар нисбатан кам ва узуқ-юлуқ. XIII асрга оид форсий манбаларда *яғмо* этноси деярли эсланмаган. Бироқ бундан XIII асрда Мовароуннаҳрда *яғмо* этноси яшамаган, деган хулосани чиқариб бўлмайди. Негаки, бу даврда улар, асосан, Фарғонанинг шимолий минтақаларида яшаб, ўзбек элатининг этник тарихида фаол иштирок этган. *Яғмо*лар *қарлуқ, қанғли, халаж* этнослари каби йирик қабила иттифоқига эга эди. Ана шундай йирик этносни қисқа фурсатда йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас. Балки улар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, кўчманчиликдан ўтроқ тарзда ҳаёт кечиргандир. Аммо Хоразмшоҳлар (1097–1231) даврида *яғмо* этноси ҳамон Мовароуннаҳр ва унга қўшни минтақаларда истиқомат қилаётган эди. *Яғмо*лар Абу Саид Абулҳай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизийнинг (ваф. 1061) "Зайн ал-ахбор" ("Тарихлар безаги") асарида кўп бор эслатилган. Унга кўра, улар *тўқузғуз*лар таркибига кирган [5: 45]. Аммо бошқа манбада *уйғур*лар таркибида *яғмо* этноними учрамайди. Рус олими А.Н. Гумелов

[1] *Яғмо* этноними "*тўкилмоқ*", "*ёғмоқ*", "*яғмоламоқ*" маъноларини англатади [43: 896].

(1886–1921) *яғмо*лар *телес* қабила иттифоқига кирган, деган фикрни илгари суради [11: 213]. Бироқ олимнинг фикр-мулоҳазалари Н.Я. Бичуриннинг (1777–1853) хитой манбалари асосидаги таржималарида ўз тасдиғини топмаган. Шунингдек, Гардизий *яғмо* аслида шахс номи бўлиб, кейинчалик қабилага нисбатан ҳам қўлланган, дейди [44: 260; 50: 75–76]. Олим *қипчоқ*лар ва *қарлуқ*лар тўғрисида ҳам худди шундай маълумотни айтади. Бироқ шунга яқин маълумот бошқа муаррихларда кузатилмайди.

Чингизхоннинг аждодларига оид бир ривоятда *яғмо* этноними "*уймавут*", яъни "*яғмоут*" шаклида учрайди [53: 430]. "Ҳудуд ал-олам"да "яғмо халқи сарт, қувватли ва мухарибдир. Уларнинг кўпгина қабилалари бор. Баъзилар улар орасида 1700 қабила борлигини айтади", дейилади [45: 95–97]. Бизнингча, манбадаги "*яғмо*лар орасида 1700 қабила бор", деган маълумот ҳақиқатга тўғри келмайди. Негаки, *яғмо*лар таркибига 1700 қабилани бирлаштира оладиган йирик этнос эмасди. Ваҳоланки, бу даврда Мовароуннаҳр ва қўшни ҳудудлардаги бирон-бир этник гуруҳ 1700 қабилани бирлаштира оладиган кучга эга бўлмаган. Энг йирик кўчманчи этнослар ҳам 100 дан ортиқ қабилани бирлаштирган, холос. VIII–XIII асрлардаги *қипчоқ, қанғли, қарлуқ, дулу (дуғлот), аз, уз* каби кўчманчиларнинг XV аср охири – XVI аср бошларида Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келган қавмдошлари ҳар қанча йирик бўлмасин таркибида 1000 га яқин қабилани бирлаштира олмаган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, *яғмо*лар таркибида 1700 қабилани жамлаган этнос бўлмаган.

Ҳақиқатда, *яғмо*ларнинг этногенези мунозарали ва тўла ечим топмаган. Улар *уйғур*ларга ёки *телес*ларга бориб тақалмасин, мавжуд маълумотларга асосида айтиш жоизки, улар биз ўрганаётган даврда Мовароуннаҳрда, хусусан, Фарғонанинг шимолий минтақаларида истиқомат қилган.

Бу даврдаги этнослардан бири *қанғли*лар бўлиб, уларнинг этногенезини К.Ш. Шониёзов (1924–2000), С.Г. Кляшторный (1928–2014) каби олимлар чуқур ўрганишган [19: 161–179; 33: 4–12].

Маълумки, *Қанғ* давлати (млд. авв. III – мил V аср) парчалангач, унинг таркибидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи этносларнинг аксарияти Сирдарёнинг қуйи қисмида ўрнашган. Бу ерда яшовчи бир қанча қабилалар ёки уларнинг айрим гуруҳлари бирлашиб, *қанғли*лар бошчилигида V аср иккинчи ярмида *қанғли* ёки *қанғарас* номли янги қабила иттифоқини ташкил қилган. Турк ҳоқонлиги (VI–VIII) билан бўлган бир қанча курашлардан кейин ҳам улар Сирдарёнинг қуйи оқимидаги яйловларни тарк этмаган [34: 49–50]. Ана шу *қанғли*ларни Алоуддин Отамалик Жувайний "*қипчоқ* халқининг бир қисми" деб атайди [21: 184]. Уларнинг Дашти Қипчоқдаги қисми XI–XIII асрларда *қипчоқ*лар таркибига кирган. Шу боис Г.Рубрук

(1220?–1293?) уларни “*коман*” (*қипчоқ*) деб номланувчи “*қанғли*”лар дейди [30: 118, 122–123]. Сирдарё қуйи оқимидаги *қанғли*лар кейинчалик бир неча гуруҳларга бўлиниб, баъзилари Хоразмга бориб ўрнашган. Рашидиддинга кўра, мўғуллар истилосига қадар Хоразмда *қанғли*лардан тузилган қўшиннинг сони 90 минг кишини ташкил қилган [29: 214]. Булар Сирдарёнинг қуйи оқимидан Хоразмга кўчган *қанғли*ларнинг авлодлари бўлса, ажаб эмас.

*Қанғли*ларнинг бошқа қисми бу вақтда Зарафшон водийсида ўрнашган. Мўғуллар истилоси арафасида Самарқанд шаҳрида *қанғли*лардан иборат 30 минг кишилик ҳарбий бўлинма мавжуд бўлган [12: 145; 9: 24]. Бундан чиқди Самарқанддаги *қанғли*ларнинг умумий салмоғи бир неча ўн мингни ташкил этган.

Жувайнийга кўра, мўғуллар Хоразмшоҳларга қариндошлик алоқаси бўлган ва бу сулолага хизмат қилган *қанғли*ларни шафқатсиз қирган. Бухоро ва Самарқанд қўлга олингач, уларнинг ҳар биридан 30 мингдан зиёд вояга етган эркак *қанғли* қатл этилиб, болалар ва аёллар қул сифатида ҳайдаб кетилган [46: 83, 95]. Шунингдек, Талас ва Чу водийсида қолган *қанғли*ларнинг аксарияти ҳам қириб юборилган. Уларнинг қолган қисми Чингизийларга тобеълик билдирган.

Асрлар мобайнида Сирдарёнинг қуйи оқими ва унинг шимолидаги яйловларда яшаб келган *қанғли*ларнинг авлодлари Амир Темур (1336–1405; ҳукмронлик йиллари 1370–1405) даврида ҳам минтақада истиқомат қилган. Кейинги асрларда уларнинг талай қисми Мовароуннаҳрда ўрнашган, қолган қисми эса *қозоқ* ва *қорақалпоқ* халқларига аралашиб кетган[1].

Бу вақтда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда яшаган этнослардан яна бири *халаж*лар *(халач, холоч)* бўлиб, улар *қарлуқ* қабила иттифоқидаги қавмлардан эди. XIII асрда уларнинг бир қисми Еттисувда яшаган. Маҳмуд Қошғарий (1029–1110) даврида Еттисувдаги *халаж*лар икки гуруҳга бўлинган [23: 422]. Олимнинг ёзишича, *халаж*лар ва *қарлуқ*лар “*туркман*”ларга алоқадор бўлиб, “*йигирма икки ўғуз*” уруғига “*икки халаж*” уруғи қўшилиб, “*йигирма тўрт туркман*”ни ташкил этган [53: 412–413]. “*Ўғузнома*”га кўра, *халаж*лар *беш-уйғур* жамоасига кирган [52: 148].

Рашидиддин ҳам *халаж*ларни XIII асрдаги йирик туркий этнослар қаторида тилга олган [28: 85]. Улар бу даврда бошқа *қарлуқ* гуруҳлари билан бирга Мовароуннаҳрда истиқомат қилган [16: 303, 366]. *Халаж*ларнинг қолган қисми Амударёнинг қуйи оқимида [53: 134], ҳамда Афғонистоннинг жануби ва Эронда яшаётган эди [49: 117–137, 177]. XIII

[1] Уларнинг *сари қанғли, қора қанғли, қизил қанғли, бобо қанғли, олтмиш қанғли, бўка қанғли* уруғлари бўлган [15: 196].

асрда *халаж*ларнинг яна бир гуруҳи Хуросонда бўлиб, Абулғозий Баҳодирхон (1603–1664; ҳукмронлик йиллари 1643–1663) бу тўғрида: “*Калач-ўғуз* ўғлонлари туркмандин айрилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонга тушди”, – дейди [1: 31]. XIII асрда *халаж*ларнинг бошқа бир қисми Хўтанда яшаган ва уларга Қилич Қора *халаж* бошчилик қилган [1: 53].

XIII асрда Мовароуннаҳрда истиқомат қилган *халаж*лар кам сонли бўлиб, уларнинг аксарияти бу ҳудудга Туркон Хотун (1150 –1233) билан бирга кириб келган [47: 84–87]. Улар маликанинг содиқ хизматчилари бўлиб, Туркон Хотун ҳимоясида Хоразмшоҳлар давлатида етакчи қабилалардан бирига айланган.

Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда истиқомат қилган этнослар орасида *ўғуз*лар ҳам бўлиб, уларнинг келиб чиқиши ва этник тарихи С.Г. Агаджанов (1928–1997), А. Жикиев каби олимларнинг тадқиқотларидан ўрин олган [2: 295]. Аммо улар асосан, *ўғуз*ларнинг *туркман* халқи этногенезидаги ролини ўрганганлар. Таъкидлаш жоизки, *ўғуз*лар ўзбек халқи этногенезида ҳам фаол иштирок этган этнос ҳисобланади. Бироқ масаланинг бу жиҳати деярли ўрганилмаган.

Манбаларда *ўғуз*лар хусусидаги маълумотлар бошқа этносларникига қараганда бирмунча кўп. Хусусан, Масъудий (896–956) Сирдарё бўйидаги *ўғуз*ларни уч гуруҳга – *ашағилар, юқорилар, ўрталар (эл-асафил, эл-авали, эл-авасит)* [48: 212], Маҳмуд Қошғарий йигирма икки уруғга [22: 89–90], Марвазий 12 уруғга [51: 29], Рашидиддин 24 уруғни ўз ичига олган икки гуруҳга (1. *Бозок*лар: *кайи, баёт, қора-вали, қора ивали, язур, дўғур, дурдарға, япарли, явшар, қиниқ, боғдили (бекдили, богдили), карғин*; 2. *Ўчок*лар: *байиндир, бична, чавулдур, чибин, салур, иймур, алайўнтаки, ўргиз, бикдир, букдуз, ева, қиниқ)* бўлингани хусусида маълумот беради [27: 118–124].

*Ўғуз*лар Сирдарё бўйида яшаб, йирик давлатга асос солган [2: 128]. Улар ана шу даврдан Мовароуннаҳр аҳолиси билан яқиндан этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Бу даврда *ўғуз*ларнинг баъзи гуруҳлари Келес чўли, Ангрен ва Чирчиқ дарёси водийлари, Чотқол ва Угам тоғ олди районларида яшаган [38: 371]. Ибн ал-Асир *ўғуз*лар Туркистоннинг узоқ минтақаларидан Аббосийлардан халифа ал-Маҳдий даврида (775–785) Мовароуннаҳрга келиб мусулмон бўлиб, кейинчалик, Муқаннага (ваф. 783) ҳам ёрдам берганини ёзади [50: 9]. Улар Мовароуннаҳр аҳолиси, хусусан, хоразмликлар билан ўзаро урушиб турган, тинчлик вақтида эса ўзаро савдо-сотиқ қилишган [52: 23–24].

Зарафшон водийсидаги *ўғуз*ларнинг бир қисми чорвачилик, бошқа қисми эса деҳқончилик билан шуғулланган. Уларнинг турар жойлари Нурота тоғида, ёзда эса Самарқанд Сўғдида бўлган. Нурота тоғидаги *ўғуз*лар асрлар давомида *ўзбек*лар билан бирга яшаб, аралашиб кетгани боис,

уларнинг авлодлари ўзларини *ўзбек туркман*лари деб аташган [24: 135–158]. Булар этник, тил ва маданий жиҳатдан *ўзбек*лардан деярли фарқ қилмаган.

*Ўғуз*ларнинг бошқа бир қисми *араб* ўлкаларида ўрнашиб, *араб*лашган. Уларнинг яна бир қисми Усмонийлардан (1299–1922) анча аввал Миср, Шимолий Африка, Яман, Судан ҳатто, Андалусиягача бориб, мазкур ҳудудлардаги маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетган [50: 21].

Мовароуннаҳр халқи этник тарихида фаол ўрин тутган *чиғил (чигил)*лар туркий этнос бўлиб, Иссиққўлнинг жануби-шарқида [25: 31–32], Талас дарёси ҳавзасида, Тароз яқинидаги *Чиғил* шаҳрида ва унинг атрофларида, ҳамда Қошғарда истиқомат қилган [35: 20–21]. Шунингдек, уларнинг бир қисми Мовароуннаҳрда яшаган бўлиб, *тухси*, *қарлуқ* ва *қирғиз*лар билан чегарадош ҳудудларда истиқомат қилган [45: 98–99]. Улар ҳам бошқа туркий этнослар каби жангавор халқ эди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, *чиғил*ларнинг махсус ҳарбий бўлинмалари мавжуд эди [16: 282–303].

Алишер Навоийнинг (1441–1501) "Ҳамса"сида *чиғил*лар *яғмо*лар билан бирга тилга олинган. Манбага кўра, улар жанговор туркий этнос саналган [3: 669].

XIII асрда *қипчоқ*лар *чиғил*лар каби Мовароуннаҳр этно-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. Улар хитой манбаларида *"кюеше"* номи билан тилга олинган [7: 154]. Араб ва форс тилидаги манбаларда уларнинг генезиси хусусида муҳим қайдлар келтирилган [45: 83, 101].

Ғазнавийлар даврида (977–1186) *қипчоқ*лар Хоразмда ва унга яқин ерларда (*чиғрак*лар ва *кужат*лар билан бирга) яшаган. Абу Райҳон Берунийга (973–1048) кўра, улар 1034 йилда ватанидан қочиб, Амударёнинг қуйилишида Салжуқийларга (XI–XIV) ёрдам берган [53: 160]. Салжуқийлар даври қайдларида *қипчоқ*лар ва *қанғли*лар "*юғур* (*уйғур*) *ўғиллари*" дейилган [53: 160]. *Огур* ёхуд *юғур* номи *уйғур*, *ўғуз*, *қипчоқ*, *қанғли* каби қавмларнинг умумий номи сифатида талқин этилган. *"Ўғузнома"*нинг чиғатойча шаклига кўра, қадимда *беш-уйғур* жамоасига *халаж*, *қанғли*, *қарлуқ*, *қипчоқ*, *агачери* қабилалари кирган [52: 148]. Рашидиддин ҳам *қипчоқ*лар хусусида сўз юритиб, уларни Чингизхон давридаги йирик қабила сифатида эътироф этади [27: 249, 351]. Айни дамда Хоразмшоҳлар (1097–1231) мамлакатни мустаҳкамлаш мақсадида Сирдарё бўйидаги ерларни эгаллаб, бу ердаги *қипчоқ*ларнинг айрим гуруҳларини тобеъ қилади. Хоразмшоҳ Такаш (ваф. 1200; ҳукмронлик йиллари 1172–1200) *қипчоқ* қабиласи бошлиқларига катта пул ваъда қилиб, уларни ўзига яқинлаштирмоқчи эди. Шу йўл билан у баъзи *қипчоқ* бек ва саркардаларини сарой хизматига жалб қилади. Хоразмшоҳ Такаш (ваф. 1200; ҳукмронлик йиллари 1172–1200) *қипчоқ*лар билан қариндошлик алоқаларини йўлга қўйиб, сардорнинг қизи Туркон Хотунга уйланади. Туркон Хотун *қипчоқ*ларнинг *баёт* уруғидан бўлиб, ўзи билан

бирга Хоразмга *уроний, қарлуқ, уғрак* ва *халаж* сингари йирик турк қабилаларини ҳам бошлаб келади. Ана шундан бошлаб *қипчоқ*лар Хоразмшоҳлар давлатида янада кучайди [47: 73–147].

Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги *қипчоқ*ларни узил-кесил бўйсундириш учун Хоразмшоҳ Муҳаммад (1169–1220; ҳукмронлик йиллари 1200–1220) бир неча бор ҳарбий юриш уюштирди. 1215 йилда у катта қўшин билан *қипчоқ*ларга катта талофат етказди ва марказий шаҳри Сиғноқни эгаллади. Шундан сўнг, омон қолган *қипчоқ*лар Сирдарё шимолидаги бепоён чўлларга чекинади. Дашти Қипчоқдаги *қипчоқ*лар кейинчалик, мўғуллар билан аралашиб кетади [31: 306; 32].

*Қипчоқ*лар Жалолиддин Мангубердининг (1199–1231; ҳукмронлик йиллари 1220–1231) ҳарбий юришларида ҳам кўмак берган. Жалолиддин Исфахон яқинидаги жангдан кейин Ироқдан қайтиб, мўғулларга қарши курашда *қипчоқ*лар билан иттифоқ тузиш учун асли *қипчоқ*лардан бўлган Сиржон Кишини уларнинг ёнига элчи қилиб юборди. Улар розилик билдириб, 5000 чодирлик *қипчоқ*лар Дарбанд томонга йўлга чиқди. Уларнинг ҳукмдорларидан бири Гурхонгина 300 га яқин ўз қариндошлари билан кемага ўтириб, Муқанда жойлашган Шарафулмулк билан учрашадилар [37: 303].

Ибн ал-Асирнинг айтишича, *қипчоқ*лар 1221 йил мўғулларни Дарбанд йўлагидан ўтказмай, 50 минг кишилик лашкари билан уларни шимолга йўлини тўсиб қўяди [37: 305]. Юқоридаги маълумотлар Хоразмшоҳлар даврида *қипчоқ*лар катта кучга эга бўлгани ва улар билан келишиб яшаш учун ҳатто, сарой хизматига жалб қилинганини кўрсатади.

Мўғуллар истилоси даврида Жўжи (тахм. 1182/84–1227; ҳукмронлик йиллари 1221–1225) *қипчоқ*ларни бераҳмларча қирғин қилгач [41: 140–151], уларнинг омон қолганлари бир неча гуруҳга бўлиниб кетди. *Қипчоқ*ларнинг бошқа бир қисми ички Мўғулистонга асир қилиб олиб кетилди [53: 159]. Бу вақтда уларга Кунжак *қипчоқ* сардор бўлиб, ундан сўнг ўғли Кумурбиш Кунжи қабилага бошчилик қилди. Кунжак *қипчоқ* Чингизхон даврида олий меҳтар вазифасига тайинланган [29: 151].

Дашти Қипчоқдаги мўғуллар вақт ўтиши билан *қипчоқ*лар билан аралашиб борди. Натижада, XIV асрда улар *қипчоқ*лар таъсирида тамоман тил жиҳатидан туркийлашди [10: 298]. Шундай қилиб, XIII–XIV асрларда рўй берган этник жараёнлар туфайли Дашти Қипчоқдаги мўғул ва туркий қабилалар бир-бири билан яқинлашиб, маданияти ва ижтимоий ҳаётида умумийлик ҳосил бўлди.

Мовароуннаҳрда яшаган *қипчоқ*ларнинг кейинги авлодлари Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида яшаб, ҳозиргача ўз этник номини сақлаб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмшоҳлар даврида Мовароуннаҳрнинг асосий аҳолиси шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган туркийзабон ва форсийзабон ўтроқ аҳоли бўлган. Улардан бирини кўп, иккинчисини кам дейишга ҳеч қандай асос йўқ ва манбаларда бу тўғрида аниқ маълумотлар келтирилмайди. Ўтроқ маҳаллий аҳолидан ташқари воҳаларда, дашт ва тоғ олди ҳудудларда *қарлуқ, чиғил, яғмо, халаж, арғин, тухси, қипчоқ* сингари ўнлаб кўчманчи ва ярим кўчманчи этнослар ҳам истиқомат қилган. Улар йиллар ўтиши билан маҳаллий аҳолига яқинлашиб, маданиятини қабул қилиб ўтроқлашиб борган. Бир сўз билан айтганда, XIII асрда Мовароуннаҳрнинг этник харитаси ранг-баранг бўлиб, мўғуллар истилоси ҳамда ўзига хос кўчириш сиёсати туфайли минтақа аҳолиси кескин камайиб кетди. Мазкур даврда биргина Хоразм ҳудудидан юз мингдан ортиқ оила қўшни ўлкаларга мажбуран кўчирилди.

Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқини йилларида шунингдек, Чиғатой хонлари даврида (1224-1340) Мовароуннаҳр аҳолиси турли сабабларга кўра камайиб кетди. Буни тарихий манбалардаги маълумотлар ҳам исботлайди. Чингизийларнинг ўзаро урушлари, Мовароуннаҳрдан қўшни ўлкаларга маҳаллий аҳолининг асир олиб кетилиши натижасида Осиёнинг турли минтақаларида Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа тарихий ҳудудлар билан боғлиқ аҳоли гуруҳлари пайдо бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулғозий. Шажарайи турк / Нашрга тайёрловчи Қ.Муниров ва Қ.Махмудов Тошкент, 1992.
2. Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX–XIII вв. Ашхабад, 1969.
3. Алишер Навоий. Хамса / Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Тошкент, 1960.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015.
5. Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи “Зайн ал-ахбар” / В кн.: Сочинение. Работы по источниковедению. Т. VIII. Москва, 1973.
6. Бартольд В.В. Карлуки / В кн.: Сочинение. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. Т. V. Москва, 1968.
7. Бернштам А.Н. Древнетюркские элементы в этногенезе Средней Азии // Советская этнография. Москва, 1947. № 6–7. С. 148–158.
8. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, Т. I. Москва–Ленинград, 1950.
9. Веселовский Н. Лекция по истории Востока. Санкт-Петербург, 1896.

10. Греков В.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. Москва–Ленинград, 1950.
11. Гумелов А.Н. Древние тюрки. Москва, 1967.
12. Д.‘Оссон. Истории монголов от Чингизхана до Тамерлана. Чингизхан. Т. I. Иркутск, 1937.
13. Джикиев А. Очерки происхождения истории огузов и туркмен Средней Азии IX–XIII вв. Ашхабад, 1969.
14. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома / Нашрга тайёрловчи: П. Шамсиев, С.Мирзаев. Тошкент, 1960.
15. Зиётов З. Турон қавмлари. Ташкент, 2008.
16. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Полный свод истории / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. Ташкент, 2006.
17. История ат-Табари / Перевод с арабского В.И. Беляева с доп. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. Ташкент, 1987.
18. Кадырбаев А.Ш. Турки и иранцы в Китае и Центральной Азии XIII–XIV вв. Алма–Ата, 1990.
19. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники. Москва, 1964.
20. Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII веков. Алма–Ата, 1969.
21. Материалы по истории туркмен и Туркмении // Арабские и персидские источники. VII–XV вв. / Под ред. С. Волина, А. Ромаскевича и А. Якубовского. Т. I. Москва–Ленинград, 1939.
22. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.М. Муталлибоев. Т. I. Тошкент, 1960.
23. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.М. Муталлибоев. Т. III. Тошкент, 1963.
24. Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // ТИИА АН УзССР. Т. II. Ташкент, 1950. С. 135–158.
25. Петров К.К истории движения киргизов на Тянъ-шанъ и их взаимоотношения с ойратами в XIII–XV вв. Фрунзе, 1961.
26. Ражабов Р. Ўзбекистон араблари: VII аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида (тарихий-этнографик тадқиқот). Тошкент, 2011.
27. Рашид ад-Дин Фазлаллāх. Джāми ат-тавāрих / Сост. научно-критич. текста на перс. языке А.А. Али-Заде, пер. с перс. А.К. Арендса. Баку, 1957.

28. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Ч. 1. / Пер. с перс. Л.А. Хетагурова. Москва–Ленинград, 1952.
29. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Ч. 2. / Пер. с перс. О.И. Смирновой. Москва–Ленинград, 1952.
30. Рубрук Гильом де. Путешествие в восточные страны // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука / Ред., вступ. статья и прим. Н.П. Шастиной. Москва, 1957. С. 87–194.
31. Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. I. Извл. из сочинений арабских. Санкт–Петербург, 1884.
32. Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. II. Извл. из сочинений персидских. Москва–Ленинград, 1941.
33. Шаниязов К.Ш. К вопросу расселения и родовых делений кангли // Этнографические изучения быта и культуры узбеков. Ташкент, 1972. С. 4-12.
34. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974.
35. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964.
36. Шиҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти / К.Матёқубов таржимаси. Тошкент, 1999.
37. Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Камол Матёқубов таржимаси. Тошкент, 2006.
38. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001.
39. Шониёзов К.Ш. Қарлуқлар давлати ва қарлуқлар. Тошкент, 1999.
40. Якубовский А.Ю. Сельджукидское движение и туркмены XI вв. // Известия АН СССР. Общ. наук. № 4. Москва, 1937. С. 910–931.
41. Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa / Çev. M.Ozturk. Ankara, 1988.
42. Avfî. Câmi’ el-hikâyât. Ayasofya Kûtûphânesi elyazmasi, № 3167.
43. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth Century Turkish. Oxford, 1972.
44. Gerdîzî. Zeyn el-ahbâr / Translated Abdülhay Habîbî. Tahran, 1347.
45. Hudūd al-ʿĀlam / Translated and explained by V. Minorsky. London, 1937.
46. Juvaini ‘Ala-`-ad-Din ‘Ata-Malik. The History of the World Conqueror / Transl. from the text of Mirza Muhammad Qazvini by J.A. Boyle. Cambridge, 1958.
47. Kafesoğlu İ. Harezmşahlar devleti tarihi (485–618/1092–1221). Ankara, 1992.
48. Mes’ûdî. Murûc el-zeheb / Şeşen R. İslam coğrafyacılarına göre türkler ve Türk ülkeleri. 2-baski. Ankara, 2001. S. 42–56.

49. Minorsky V. The Turkish Dialect of the Khalaj // Bulletin of the School of Oriental Stuties. Vol. X. London, 1940. S. 417–437.
50. Şeşen R. İslam coğrafyacılarına göre türkler ve Türk ülkeleri. Ankara, 2001.
51. Sharaf al-Zaman Tahir Marvazi on China, the Turks and India / Translated and explained by V. Minorskiy. London, 1950.
52. Togan Z. V. İbn Fadlans Reisebericht. Leipzig, 1939.
53. Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. En Eski devirlerden 16 asra kadar. Cilt 1. İstanbul, 1981.

С. Улашова

Хоразмшоҳлар даври манбаларида
Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир

Хоразмшоҳлар даврида Мовароуннаҳрнинг асосий аҳолиси шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган туркийзабон ва форсийзабон ўтроқ аҳоли бўлган. Бу давр манбаларида минтақадаги туркий ва форсий аҳолининг миқдори тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмаган. Аммо айрим манбаларда, хусусан, Жузжонийда Мовароуннаҳрда форсий тилли этносга нисбатан туркий тилли халқлар нисбатан кўп сонли бўлгани таъкидланади. Шунингдек, Хоразмшоҳнинг қўшини этник таркибида ҳам туркийлар устувор бўлгани манбаларда акс этган.

Ўтроқ маҳаллий аҳолидан ташқари воҳаларда, дашт ва тоғ олди ҳудудларда *қарлуқ, чиғил, қанғли, яғмо, халаж, арғин, тухси, қипчоқ* сингари ўнлаб кўчманчи ва ярим кўчманчи этнослар ҳам истиқомат қилган. Улар Мовароуннаҳрнинг турли ҳудудларида яшаган. Хусусан, бу даврда *қанғли*лар Сирдарё қуйи оқимларида, Хоразм ва Зарафшон водийси ҳудудларида яшагани ва биргина Самарқандда улардан тузилган қўшин 30 минг кишини, Хоразмда 90 минг кишини ташкил қилгани уларнинг салмоғи катта бўлганини кўрсатади. Бу каби кўчманчи ва ярим кўчманчи этнослар йиллар ўтиши билан маҳаллий аҳолига яқинлашиб, маданиятини қабул қилиб ўтроқлашиб борган. Бир сўз билан айтганда, XIII асрда Мовароуннаҳрнинг этник харитаси ранг-баранг бўлиб, мўғуллар истилоси ҳамда ўзига хос кўчириш сиёсати туфайли минтақа аҳолиси кескин камайиб кетди. Мазкур даврда биргина Хоразм ҳудудидан юз мингдан ортиқ оила қўшни ўлкаларга мажбуран кўчирилди.

Калит сўзлар: *Хоразмшоҳлар, манбалар, этник жараёнлар, туркийлар, сўғдийлар, мўғуллар, турклашган мўғуллар, қабила.*

С. Улашова

Этнический состав населения Мавераннахра в эпоху Хорезмшахов

Во время правления Хорезмшахов основным населением Мавераннахра были тюркоязычное и персидскоязычное оседлое население, проживающее в городах и деревнях. Источники этого периода не дают точной информации о численности турецкого и персидского населения в регионе. Однако некоторые источники, особенно в Жужани, говорят, что в Мавераннахре было больше тюркоязычных народов, чем персидскоязычных этносов. Источники также сообщают, что в этническом составе армии Хорезмшаха доминировали турки. Помимо оседлого местного населения, в оазисах, степях и предгорьях также проживали десятки кочевых и полукочевых этнических групп, таких как *карлук, чигил, кангли, ягмо, халай, аргин, тукси, кипчак.* Они жили в разных частях Мавераннахра. В частности, тот факт, что в этот период *кангли* жили в низовьях Сырдарьи, в Хорезмской и Зарафшанской долине и только в Самарканде, их армия насчитывала 30 тысяч человек, а в Хорезме – 90 тысяч, показал их большое количество. Такие кочевые и полукочевые этносы на протяжении многих лет приближались к местному населению и оседали, принимая его культуру. Одним словом, в XIII веке этническая карта Мавераннахра стала более разнообразной и население региона резко сократилось из-за монгольского нашествия и его особой миграционной политики. За этот период более ста тысяч семей только из Хорезмской области были вынуждены переехать в соседние страны.

Ключевые слова: *Хорезмшахи, первоисточники, этнические процессы, тюрки, согдийцы, монголы, отюреченные монголы, племена.*

S. Ulashova

The ethnic composition of the population in Mawarannahr during the Khwarazmshahs' period

During the reign of Khwarazmshahs, the main population of Mawarannahr was the Turkic- and Persian-speaking settled population that lived in towns and villages. However, available sources from this period do not provide accurate information on the size of the Turkic- and Persian-speaking population in the region. For instance, according to Juzjani, in Mawarannahr there were more Turkic-speaking people than Persian-speaking population. Some sources point out that the ethnic composition of the Khwarazmshahs' armies were dominated by

Turks. In addition to the settled local population, dozens of nomadic and semi-nomadic ethnic groups such as Qarluq, Chigil, Qangli, Yaghmo, Khalaj, Argin, Tukhsi, Qipchak also lived in the oases, steppes and foothills. They lived in different parts of Mawarannahr. In particular, the fact that during this period Qangli lived in the lower reaches of the Syrdarya, in the Khwarazmian and Zarafshan valleys, and in Samarqand, where their army numbered about 30,000 and reached above 90,000 in Khwarazm, indicates their substantial number. Over the years such nomadic and semi-nomadic ethnic groups became closer to the local population by eventually settling down and adopting their culture. In short, in the 13th-century the ethnic map of Mawarannahr became more diverse and the population of the region declined sharply due to the Mongol invasion and its peculiar migration policy. During this period, just from the territory of Khwarazm more than a thousand families were forced to move to neighboring regions.

Key words: *Khwarazmshahs, primary sources, ethnic processes, Turks, Sogdians, Mongols, Turko-Mongols, tribes.*

А. Замонов

Бухоро Шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар

Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XVI асрда юз берган тарихий воқеалар ҳақида ёритилган манбалар анчагина. Уларнинг айримлари Шайбонийлар даври (1500–1601) ҳарбий сиёсатига оид масалаларни қамраб олади. Манбаларда Бухоро хонлиги (Шайбонийлар сулоласи даври) ҳарбий сиёсатига оид маълумотлар оз бўлишига қарамай, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Мавзу юзасидан керакли ва баъзи ҳолларда умумий маълумот олиш учун бу манбалар алоҳида аҳамиятга эга.

Шайбонийлар даври ҳарбий соҳаси билан боғлиқ манбаларни қуйидача туркумларга ажратиш мумкин: 1) форс тилидаги манбалар; 2) туркий-ўзбек тилидаги манбалар; 3) хорижий сайёҳ ва элчилар эсдаликлари.

1. Форс тилида ёзилган манбалар сирасига кирувчи Мулла Шодийнинг (XV аср охири, XVI аср биринчи чорагида яшаган) “Фатҳнома” (Фатҳ – арабча эгаллаш, нома эса бадий адабиётда шахс фаолияти оид достон, бирон мавзу мадҳи), Камолиддин Биноийнинг (1453–1512) “Шайбонийнома” (“Шайбонийхон фатҳлари”), Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳхоннинг (1457–1530) “Меҳмонномайи Бухоро”, Мирза Ҳайдарнинг (1500–1551) “Тарихи Рашидий” (“Рашид тарихи”), Ғиёсиддин